Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 127 (21. 226) 1992 йил 30 июнь, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

• ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН: •

МУҲАММАД НАВОЗ ШАРИФ ЎЗБЕКИСТОНДА

Суратларда: Тошкентдаги учрашувдан лавҳалар.

Р. НУРИДДИНОВ, Р. ЖУМАНИЁЗОВ, Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф раҳбарлигидаги шу мамлакат расмий делегацияси 27 июнь куни Ўзбекистонга ташриф буюрди. Икки мустақил Давлат байроғи кўтарилган Тошкент аэропортида муҳтарам меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шу ернинг ўзида журналистлар билан қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Биз, — деди Ислом Каримов, — кўпдан бери бир-биримизни таниймиз. Азалдан Покистон билан Ўзбекистон халқи, умуман, Туркистон тупроғида яшайдиган халқлар яқин алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилишган. Бунга ота-боболаримизнинг қадимдан ўзаро борди-келдилари мисол бўлади. Ана шу яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ниятидамиз.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Навоз Шариф жаноби олийлари икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви самарали бўлишига умид билдирди. У Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллиги йўлида олиб бораётган сиёсати таҳсинга сазовордир деди. Биз унинг жумҳуриятингиз иқтисодиётини ривожлантириш, қўшни мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, ота-боболар удумларини тиклаш борасида қилаётган ишларидан мамнунмиз. Покистон билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун бу ерга келдик. Мен шахсан Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан, делегациямиз аъзолари дўстона кутиб олинганидан беҳад мамнунман.

Меҳмонларни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ҳамда Покистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх жаноблар ҳозир бўлдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар Тошкент яқинидаги «Дўрмон» қароргоҳига йўл олдилар.

Шу куни тушдан кейин «Дўрмон» қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф жаноби олийларига тантанали вазиятда совғалар топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг анъанасига кўра олий мартабали меҳмонга зарбоф тўн кийдирди. Покистон Бош вазирига, шунингдек унинг сурати акс эттирилган кўза, ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий сиймоси тушириган гилам ва бошқа туҳфалар ҳадя этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф билан юзма-юз суҳбатлашди.

* * *

Шу куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартномани Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Покистон Ислом Республикаси номидан шу жумҳуриятнинг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимга ҳам қўл қўйилди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ислом Каримов ва Муҳаммад Навоз Шариф нутқ сўзладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф журналистлар билан учрашдилар.

Ислом Каримов Покистон Республикаси Бош вазири билан бўлиб ўтган дўстона учрашувдан мамнун эканлигини изҳор қилиб, қадим тупроғимизда аждодларимиз асос солган яхши қўшничилик муносабатлари тикланаётганлиги, бу эса икки мамлакат равнақи йўлида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Биз, — деди Ўзбекистон Президенти, — ҳозиргина учта муҳим ҳужжатга имзо чекдик. Улар, шубҳасиз, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, халқларимиз ўртасида саёҳат, туризм, савдо-сотиқ ва иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилади.

Покистон Республикаси Бош вазири учрашув давомида яхши натижаларга эришилганлиги, Ўзбекистонга, унинг меҳмондўст халқига меҳр-муҳаббати ортганлиги ҳақида гапирди. Биз Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлашида, жаҳон миқёсида ўз ўрнини топишида, иқтисодий жиҳатдан юксалишида қўшни давлат сифатида ўз кўмагимизни аямаймиз, тенг ҳуқуқли алоқаларимизни ривожлантираверамиз, деди у

Сўнгра икки мамлакат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф шу куни Ўзбекистон миллий боғида бўлиб, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

* * *

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 27 июнь куни Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Тошкентга келган бир гуруҳ Покистон тадбиркорлари билан амалий учрашув ўтказди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири У. Султонов билан суҳбатлашдилар. Шундан кейин покистонлик ишбилармонлар кўргазма катта биносидаги экспозицияларни кўздан кечирдилар. Вазирнинг биринчи ўринбосари С. Сафоев амалий учрашув чоғида қўшни мамлакатдан келган ишбилармонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари хусусида, республикада ҳорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Республикасини ҳам, Покистон жумҳуриятини ҳам қизиқтираётган кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодиёт соҳасида ҳамкорликка ёрдам бериши лозим бўлган яна шу учрашувда Покистондаги «Табани корпорейшн», «Метро гарментс индастриз», «Мир афзал хан энд компани» фирмалари, «Абс» тўқимачилик гуруҳи вакиллари қатнашдилар. Учрашувда Ўзбекистон ишбилармонлари номидан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Интералоқа», «Узпроммашимпекс», «Узмедимпекс», «Узагроимпекс» ва «Промсирье» фирмалари ва бирлашмаларининг намояндалари иштирок этдилар.

* * *

Покистон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги ҳукумат делегацияси якшанба куни Самарқандга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов делегацияга ҳамроҳлик қилмоқда.

Покистонлик меҳмонлар шаҳар билан танишишни Мирзо Улуғбек расадхонаси ва ёдгорлик музейидан бошладилар. Сўнгра улар Челак районига бориб, ҳадис илми асосчиларидан бири Исмоил ал-Бухорий қабрини зиёрат қилдилар. Покистон Бош вазири ал-Бухорий масжидига атаб олиб келган совғалари — муқаддас китоб ва жойномозни топширди, табаррук қадамжони янада ободонлаштириш мақсадида 50 минг доллар ҳадя этди.

Меҳмонлар шунингдек Регистон ёдгорликлари мажмуини ҳам томоша қилдилар.

* * *

Шу куни Покистон расмий делегацияси Самарқанддан Бухорога келди. Меҳмонлар шаҳарнинг тарихий обидалари — Мир Араб обидасини, Ситораи Моҳи Хоса саройини, Исмоил Сомоний мақбарасини бориб кўрдилар.

Покистон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги расмий делегация 28 июнь куни Бухородан ватанига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисда бўлғуси сессияга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Б. Бугровнинг жойларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида халқ депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазалар тўғрисидаги, шунингдек сессия ишини ташкил этишга доир ахбороти тингланди. Раёсат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг депутатлик гуруҳлари томонидан билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган ва ишчи гуруҳ томонидан таклиф этилган кун тартибини маъқул деб топди. Уни 1 июль куни соат 17.00 да ўтказиладиган халқ депутатлари вакилларининг кенгаши муҳокамасига киритишга, сессия ишини эса 2 июль куни соат 10.00 да бошлашга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов сўзга чиқди. Раёсат ишида Республика Бош вазири А. Муталов иштирок этди.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

27 июнь куни юртимизга ташриф буюрган Покистон миллий ассамблеясининг бир гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинди.

Дўстона суҳбат чоғида республика парламентининг бошлиғи Ш. Йўлдошев мустақиллик ва демократия йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг фаолияти ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди.

— Олий Кенгашда, — деди у, — Халқ демократик партияси, «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» халқ ҳаракатидан сайланган депутатлар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида партиясизлар ҳам бор. Бинобарин, кўппартиялилик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида юртимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат кишиларининг аҳиллигига, осойишта кун кечиришларига, уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Самолётдан тушишимиз биланоқ Тошкент бизни мафтун қилиб қўйди, — деди сенатор Саид Шафқат Ҳусайншоҳ жаноблари. — Гарчи, мустамлака шароитида яшаган бўлсангиз-да, улкан ишларни қилиб улгургансиз. Покистон ҳам шундай кунларни бошдан кечирган. Инглизлар истибдодидан қутулганимизга неча йил-неча замонлар ўтишига қарамай, ҳозиргача унинг таъсири сезилиб туради. Покистондаги ҳаёт даражаси, тараққиёт ва ривожланиш миқёслари сиздагига ўхшаб кетади.

— Тажриба шуни кўрсатдики, — деди ўз сўзида сенатор Охунзода Беҳравар Саид жаноблари, — ижтимоий ҳаётда, давлатни бошқаришда, алалхусус, парламент фаолиятини такомиллаштиришда, кўппартиялилик масаласида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмас экан. Бунга аввалambор эл-улусни тайёрлаш зарур, токи у ўзига мақбул йўлни, мақбул ғояни, мақбул мафкурани танлай оладиган бўлсин. Акс ҳолда демократияга, халқнинг тинчлиги ва осойишталигига путур етади. Ихтилофларга барҳам бериш учун ҳар бир партия, ҳар хил йўналишдаги оқимлар ва ҳаракатлар бир-бирининг фикрини тоқат билан эшитадиган, режаларини таҳлил қила оладиган бўлсин. Шундагина демократияга эришилади, инсон ҳуқуқи поймол қилинмайди, у тинч, фаровон яшайди.

— Биз шунга ҳаракат қиляпмиз, — деди Шавкат Йўлдошев, — давлатимиз сиёсий истиқлолини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, иқтисодий мустақилликка эришиш, суд идораларининг дахлсизлигини кафолатлаш, чегараларимизни кўз қорачиғидек қўриқлаш, ички сиёсат, мудофаа масалалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сингари долзарб муаммолар устида иш олиб борилмоқда ва бу ҳақда қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Уларнинг кўпчилиги яқинда ўтказиладиган Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилади.

— Ҳар бир мамлакат, ҳар бир заминнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади, — дея суҳбатга қўшилди меҳмонлардан бири Муҳаммад Жаҳонгирхон. — Сиз мамлакатингизнинг хусусиятларини, халқингиз дарди ва кайфиятини ҳисобга олиб иш юритаётганингизни сезиб турибмиз. Ўзбеклар меҳнаткаш халқ. Меҳнат эса ҳаётнинг бисмиллоси, зебу зийнатидир.

Суҳбатда Покистон Миллий ассамблеяси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга, ўзаро тажриба алмашиб туриш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетларининг раислари Т. Ешимбетова, П. Ҳабибуллаев, Ғ. Заҳриддинов, Э. Ҳўжаев қатнашдилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1992 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларга нархлар ошиб бораётган шароитда республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари муаллимларининг, профессор-ўқитувчилар таркибининг, шифокорлар, илмий ходимларнинг иш ҳақи 1,8 баравар, бюджет ҳисобидаги бошқа ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақи — 1,5 баравар оширилсин.

2. Иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг 25 фоизи бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар сметалари бўйича умумий сарф-харажатларни қисқартириш ҳисобига таъминлансин.

3. Олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларнинг, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ҳамда техникумлар ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин. Имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегиртмалар сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 1000 сўм қилиб белгилансин.

1992 йилнинг 1 октябридан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилиб, бунда мазкур Фармонда белгиланган энг оз миқдор асос қилиб олинсин.

5. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 1300 сўм бўлишидан келиб чиқиб, нафақалар миқдори белгилансин, бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасига етказилсин.

6. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 1000 сўм миқдорида белгилансин.

7. Аҳоли даромадларининг даражасини тўғрилаб олиш мақсадида ойига 5000 сўмгача бўлган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини камайтириш зарур, деб ҳисоблансин ва ойига 5000 сўмдан ошадиган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг тегишли миқдорда оширилиши жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги Қонунни ўзгартириш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига таклифлар киритсин

8. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқаришнинг (ишлар ва хизматлар) ҳажмларини ошириш ҳисобига ушбу Фармонда белгиланган минимумни эътиборга олган ҳолда ишловчиларнинг маоши янада оширилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

11. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 июнь.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

УРГАНЧ, 26 июнь. (ЎзА). Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари 1992-1993 йилларда вилоят ҳокимияти фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

Халқ депутатларининг сайловолди дастурлари ҳамда сайловчилар талаблари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборот тингланди.

Сессияда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов нутқ сўзлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Минг афсуски, ўзингизга аён бўлган қимматчилик сабаблари билан Сиз 1991 йилда эски нархда расмийлаштирган обуна муддати бугун тугади.

Эртадан бошлаб «Ўзбекистон овози»ни янги нархларда ёзилганлар олишади.

Лекин ҳали кеч эмас, агар 12 июлгача матбуот тарқатиш идоралари ёки алоқа бўлимларига борib газетага обуна бўлсангиз, «Ўзбекистон овози»ни 1 августдан бошлаб Сиз айтган манзилга етказиб бершаверади.

Обуна баҳоси: 1 ойга 32 сўм 50 тийин, 3 ойга 97 сўм, 5 ойга 165 сўм.

Нашр кўрсаткичимиз 64583

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси 1992 йил 2 июль соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари эртага, 1 июль куни эрта билан соат 10 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 1 июль куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

ТОШКЕНТДА ПОКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ

Мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри харитасида янги ном пайдо бўлди. Ўтган куни эрталаб Чилонзор кўчасидаги 25-уйда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси тантанали равишда очилди.

Маросимда Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф нутқ сўзлади. У, бу элчихона дини бир, маданияти, тарихи, урф-одатлари ўхшаш Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин олишни таъкидлади. Бош вазир элчихона учун Тошкентнинг кўркам биноларидан бирини ажратиб берганлиги учун Ўзбекистон ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилди. Мен, деди азиз меҳмон, кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари билан суҳбатда мамлакатим раҳбарлари номидан уни Покистон Ислом Жумҳуриятига расмий ташриф буюришга таклиф қилдим. Президентингиз шу йил 14 августда нишонланадиган Покистон мустақиллиги байрамида қатнашади. Биз унинг катта иззат-икром билан кутиб олиниши, ташрифи самарали бўлиши учун барча ишни қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов ўз нутқида икки мустақил давлат ўртасида борди-келдиларни мустаҳкам йўлга қўйиш, савдо, иқтисодий, техникавий, маданий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун ҳамма имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бу ҳамкорлик Ўзбекистон ва Покистон халклари манфаатига хизмат қилишга шубҳа йўқ.

Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх ўзига билдирилган юксак ишонч учун миннатдорчилик билдирди. Мен бу ишончни оқлаш учун астойдил, виждонан, халоллик билан хизмат қиламан, деб ваъда берди.



Покистон Ислом Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Муҳаммад Навоз Шариф элчихона олдида ўз мамлакати байроғини кўтаради.

Тошкентдаги элчихоналар яна биттага кўпайди. Бу — мустақил, суверен Ўзбекистоннинг халқаро майдонга дадил чиқаётганлигидан, жаҳон ҳамжамиятида унинг обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Э. ХУЖАЕВ.

Суратларда: тантанали маросим пайти.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА ТОШКЕНТДАГИ ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИ ТУЗГАН РЕСПУБЛИКА ВА ДЕПУТАТЛАР КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

Республика комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталовнинг, шу комиссия ишчи гуруҳлари раҳбарларининг ва Олий Кенгаш Раёсати депутатлар комиссияси раҳбарининг ҳамда республика прокурорининг ушбу масалага доир ҳисоботини тинглаб ва муҳокама этиб Олий Кенгаш Раёсати шуни қайд этадики, республика ва депутатлар комиссиялари, тергов гуруҳлари воқеаларнинг сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқ таклифларни ишлаб чиқиш борасида сезиларли ишларни амалга оширганлар.

Шу нарса аниқландики, бир неча йил давомида кўплаб ётоқхоналар ҳолати қониқарсизлигича қолаверди, талабаларга коммунал-маиший ва транспорт хизмати кўрсатиш паст савияда бўлган, ошхоналар ва буфетлардаги озиқ-овқатлар билан таомларнинг сифати ва турлари аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаган.

Буларнинг барчаси ўқув юртлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларининг эътиборидан четда қолган ва талабаларнинг асосли эътирозларини келтириб чиқарган. Бу ҳам етмагандек, талабаларга бериладиган стипендиялар ва купонларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тарқатиш ишлари суст бажарилган. Ноилож ликдан нархнаво оширилаётган бир шароитда Президент ва Ҳукумат талабаларга моддий мадад кўрсатиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар кўпчилик талабалар эътиборига етказилмаган.

Шунингдек, комиссиялар айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси паст эканлигини таъкидлади. Педагогларнинг айримлари ўқув жараёнини талабаларни ихтисослаштириш дастурига мувофиқ олиб бориш ўрнига дарс вақтида уларни сиёсий мавзулардаги бефойда сафсатабозликка жалб этганлар, эндигина ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, уларнинг онгига республикадаги ишларнинг аҳволи хусусида нотўғри тасаввур, озодлик ва демократия ҳақиқий моҳиятининг бузиб кўрсатилган шамойилини сингдира борганлар. Шунинг оқибатида талабаларнинг айрим жамоаларида танг маънавий-руҳий вазият таркиб топган, интизом кескин ёмонлашган ва талабалар шаҳарчасида жиноятчилик қилиш учун вазият кескин кучайган.

Нияти бузуқ шахслар юзага келган вазиятдан фойдаланиб, талабаларнинг бир қисмини оммавий тартибсизликка, автобус бекатларини, савдо шохобчаларини ҳамда айнан талабаларга хизмат қилишга мўлжалланган бошқа объектларни яксон қилишга ҳамда ёқиб юборишга тортганлар. Бунга жавоб тариқасида, тартибни сақлаш ва ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг авж олишини тўхтатиш учун талабалар шаҳарчасига кучлар ташланган.

Ҳозирги пайтда республика бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларни фаол жалб этган ҳолда талабаларга моддий-маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни, уларнинг овқатланиши ҳамда дам олишини уюштиришни яхшилаш, шунингдек, шаҳарчадаги умумий вазиятни соғломлаштириш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган. Бир қатор ўқув юртларининг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг раҳбарияти мустаҳкамланди, ўқув-тарбиявий ишларнинг савиясини ва ўқитувчилар масъулиятини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Оммавий тартибсизликлар ҳамда қурол қўлланганлиги ҳодисаси юзасидан республика Прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилган ва муфассал тергов ўтказилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг гувоҳ билан суҳбатлашилди, қурол қўллашда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида тегишли лаборатория экспертизалари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика ва депутатлар комиссияларининг шу йил январь ойида талабалар норозиликларини келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳамда комиссиялар амалга оширган ишлар ҳақидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига талаба-ёшларнинг муаммолари билан шуғулланувчи вазирликлар ва идораларнинг фаолияти устидан алоҳида назорат ўрнатиш, талабаларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва илдам амалга оширишни давом эттириш таклиф этилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ж. Абдуллаев), Халқ таълими вазирлиги (Ж. Ғ. Йўлдошев), шунингдек ўз ўқув юртларига эга бўлган тармоқ вазирликлари ва идоралари ўқув юртлар раҳбарияти билан ҳамкорликда таълим беришнинг сифати ва талабаларнинг билими учун профессор-ўқитувчилар масъулиятини сезиларли даражада оширишининг таъсирчан чора-тадбирларни кўрсинлар, кадрларни мунтазам аттестациядан ўтказиш тажрибасини жорий этсинлар, Малака даражаси замон талабларига жавоб бермайдиган, ўз хатти-ҳаракатлари билан талабалар жамоаларидаги маънавий-руҳий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир ўтказадиган ўқитувчилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳокимлари талабаларга кўрсатилаётган тиббий, савдо, маданий-маиший, транспорт ва бошқа кўринишдаги хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни таъминласинлар. Белгиланган тадбирларнинг амалда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар, талабалар жамоаларида соғлом маънавий-руҳий муҳит сақлаб турилишига алоҳида эътибор берсинлар. Бу ишга халқ депутатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик кенг жалб этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокурорининг талабалар шаҳарчасидаги оммавий тартибсизликларга доир ҳамда ўқ отиш қуролидан фойдаланганлик хусусидаги фактлар бўйича олиб борилаётган тергов тугаш арафасида эканлиги тўғрисидаги маълумоти эътиборга олинсин. Айбдор шахслар жавобгарликдан четда қолишига йўл қўймайдиган даражада муфассал ва холис тергов қилинишини таъминлаш Б. Мустафоевга топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг шу йил 17 ва 25 январдаги қарорлари билан тузилган Республика ва депутатлар комиссияларининг иши якунланган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 июнь.

ФАОЛИЯТ СОҲАСИ — БУТУН САЙЁРА

Тошкентда жамоатчиликнинг йиғилиши бўлиб ўтди, бу йиғилиш Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалари миллий уюшмасини тузишга бағишланган эди. Бу уюшма иккита республика жамияти — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти ва хориждаги ҳамюртлар билан маданий алоқалар «Ватан» жамияти негизида ташкил этилди. Янги уюшма мустақил Ўзбекистоннинг халқаро инсонпарварлик ва маданий алоқаларни ривожлантиришга, бошқа мамлакатларда яшаётган ватандошлар билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши керак.

Ҳозир республикада турли ижтимоий тузилмалар барпо этилган ва бундай тузилмалар барпо этилмоқдаки, уларнинг фаолияти чет давлатлар халқлари билан ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган. Миллий уюшма шундай тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ бўлади.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этдилар.

(ЎзА).

ХАЛҚЛАР РАВНАҚИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

26 июнь куни Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳамкорлиги ва равнақига кўмаклашувчи халқаро уюшманинг таъсис конференцияси бўлди.

Уюшмани тузиш, унинг мақсадлари ва вазифалари ҳақида ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси А. Укубоев маъруза қилди.

Конференцияда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг равнақи ва ҳамкорлигига кўмаклашувчи халқаро уюшманинг низоми қабул қилинди, унинг раҳбар органлари, назорат-тафтиш комиссияси сайланди. А. Укубоев халқаро уюшма президенти этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов нутқ сўзлади.

Конференция ишида республика Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ

Мазкур Фармон шу йилнинг ўзидагина нафақахўрлар, талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар, илмий ходимларнинг ва даромадлари белгилаб қўйилган бошқа касблар вакилларининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан қабул қилинган учинчи тадбирдир.

Масалан, шу йилнинг 1 июлидан жорий этиладиган нафақаларнинг ўртача ойлик миқдори 1991 йилнинг декабридагига нисбатан 6 баробардан кўпроқ ошади (ойига 190 сўмдан 1200 сўмгача етади), маориф ходимларининг ўртача иш ҳақи ойига 390 сўмдан 2300 сўмгача, соғлиқни сақлаш ходимларининг ўртача иш ҳақи эса ойига 340 сўмдан 1900 сўмгача етади. Бунда ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 460 сўмдан 2900 сўмгача, шифокорнинг маоши эса 490 сўмдан 3000 сўмгача кўпаяди.

Фармонда ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар, муаллимлар, илмий ходимларнинг иш ҳақини 1,8 баробар, бюджет ҳисобидаги бошқа муассасалар ходимларининг иш ҳақини 1,5 баробар ошириш кўзда тутилади. Бу — ўқитувчи, шифокор, илмий ходимнинг ижтимоий аҳамиятига юксак баҳо берилгани ифодасидир. Шу йилнинг 1 июлидан юқорида кўрсатилган тоифадаги ходимларга мансуб 1,9 миллиондан кўпроқ кишининг ўртача ойлик иш ҳақи оширилади.

Бунинг учун йил охиригача чамаси 12 миллиард сўм маблағ керак бўлади, шулардан 9 миллиард сўми бюджетдан ажратилади, 3 миллиард сўмни эса бюджетдаги ташкилотларнинг ўзлари смета бўйича умумий харажатларни қисқартириш ҳисобига излаб топишлари керак.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз ижтимоий соҳаси ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи МДҲдаги бошқа давлатларда таркиб топган даражадан анча ошади. Ўқитувчи ва шифокорнинг ўртача иш ҳақи ҳозирги вақтда амал қилаётганига нисбатан ойига 1300 сўм ёки 1,8 баробар кўпаяди. Олинган маълумотларга кўра, ўқитувчи ва шифокорнинг даромадлари бошқа минтақаларга қараганда ўрта ҳисобда 1,6 баравар юқори бўлади, буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатларда ўқитувчи ва шифокорнинг 1992 йилдаги ўртача ойлик маоши (сўм ҳисобида)

		Ўрта маош	
		Ўқитувчи	Шифокор
Қозоғистон	1.05.92 йилдан	1575	1782
Тожикистон	«—»	1500	1700
Беларусь	«—»	2152	1950
Қирғизистон	1.06.92 йилдан	1400	1300
Туркманистон	1.07.92 йилдан	2200	2400
Ўзбекистон	1.07.92 йилдан	2861	2998

(Молия идораларининг тезкор маълумотлари асосида келтирилди).

Фармонда кўзда тутилган тадбирлар амалда республика барча аҳолисининг манфаатларига даҳл қилади. Энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг миқдорлари ойига 550 сўмдан 1000 сўмгача оширилди, 1 октябрдан бошлаб эса фуқаролар иш стажининг озқўплигига ва хизматларига қараб нафақаларни табақалаштирилган тарзда ошириш кўзда тутилган, бунда белгиланган энг оз миқдордаги нафақалар асос қилиб олинади. Натижада, ишламаётган 2 миллион 300 мингдан кўпроқ нафақахўрнинг нафақаси ойига ўрта ҳисобда 600 сўмдан зиёд оширилади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, уларнинг нафақа миқдорлари 1 июлдан бошлаб энг оз миқдори 1300 сўм ҳисобидан олинади.

I гуруҳ уруш ногиронлари нафақаларининг энг оз миқдори ойига 3300 сўмдан ортиқни ташкил этади ёки салкам 1,9 баробар ёхуд ойига 1500 сўм кўпаяди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг энг оз нафақаси 1,8 баробардан зиёд кўпайиб, ойига 875 сўмдан 1600 сўмга етади.

Оширилган миқдордаги нафақаларни тўлаш учун йил охиригача 8,5 миллиард сўм ажратилади.

Талабалар ва ўқувчиларнинг стипендияларини ҳам 1,5 баробар ошириш кўзда тутилган. Айни чоғда имтиёзли овқатланиш учун қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегиртмалар сақлаб қолинади.

Олий ўқув юртларида стипендияларнинг ўртача миқдори ойига 450 сўмдан 675 сўмга, ўрта махсус ўқув юртларида 340 сўмдан 520 сўмга, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 290 сўмдан 440 сўмга етказилади. Шу мақсадлар учун йил охиригача 400 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳисобига халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш ҳақини янада кўпайтириш кўзда тутилади.

Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражасини ойига 550 сўмдан 1000 сўмгача етказиш ва ойига 5000 сўмгача бўлган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини камайтириш ҳисобига ҳам барча ишловчиларнинг амалдаги даромадларини ошириш кўзда тутилади.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

КУТИЛМАГАН ҒАЛАБА

● ФУТБОЛ бўйича Швецияда ўтказилган Оврўпо чемпионати якунланди.

Мухлислар бу галги чемпионатни тасодифларга бой бўлади, деб кутишмаганди. Манман деган футбол жамоалари қолиб, биринчи марта йирик халқаро мусобақанинг финал қисмида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Дания футболчилари улоқни олиб кетишди. Дания терма жамоаси Англия (0:0), Швеция (0:1), Франция (2:1) футболчилари билан учрашувлардан кейин учта очко тўплаб, чемпионатнинг ярим финалига йўлланма олишганди. Финалга чиқиш учун курашда Дания жамоаси яна бир «совға» инъом этди. Улар машҳур Голландия футболчиларини мағлубиятга учратиб ,совринли ўринга даъвогар эканликларини намойиш қилдилар. Шундай қилиб, ҳал қилувчи учрашув Олмония ва Дания терма жамоалари ўртасида ўтказилди. «Ҳеч бўлмаганда кумуш медалли бўламиз». Бу таҳминни данияликлар устози айтганди. Зеро, шогирдлари «ошириб» юборишди. Мудофаани усталик билан ташкил этган Дания футболчилари ўрнида қарши ҳужумга ўтиб, Олмония дарвозасини икки марта ишғол этиш билан ғалаба қозондилар. Шундай қилиб, Дания футболчилари тўққизинчи марта ўтказилган қитъа чемпионатида бош совринни қўлга киритишди.

БИРИНЧИ ЮТУҚ

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистон Республикасининг футбол бўйича миллий терма жамоаси «Осиё» кубоги учун курашни муваффақиятли давом эттиришга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, терма жамоамиз дастлабки учрашувни Тожикистон пойтахтида ўтказиб (2:2), ўз ҳисобига очко ёзган эди. Куни кеча футболчиларимиз Тошкентда Туркманистон терма жамоасини қабул қилишди. Учрашув мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Майдон эгалари 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, учта очко билан мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Энди терма жамоамиз навбатдаги учрашувни 16 июль куни Қозоғистон футболчилари билан ўтказишади.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

● АШГАБАТДА футбол бўйича йирик халқаро турнир ўтказиш мўлжалланмоқда.

Туркманистон мустақиллиги кубоги учун ўтказиладиган бу мусобақада иштирок этиш истаги билдирилган дастлабки таклифлар ҳам тушди. Жумладан, Анқаранинг «Ганчлербирлик» футбол жамоасига устозлик қилаётган Валерий Непомнияший ана шу мусобақада иштирок этмоқчи эканлигини баён этди. Мусобақанинг соврин фонди 50 минг долларга тенг бўлиши кутилмоқда.

МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

● БИРИНЧИ лига футбол жамоалари яна икки тур учрашувларидан кейин чемпионатнинг дастлабки даврасини якунлашади.

Навбатдаги учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Атласчи» — «Навбаҳор-2» — 2:0, «Норин» — «Бахт» — 3:1, «Бағдодчи» — «Маъдан» — 2:1, «Зарангар» — «Прогресс» — 2:2, «Локомотив» — «Зарафшон» — 2:0, «Нотўқимачи» — «Шифокор» — 0:2, «Атласчи», «Бағдодчи», «Бахт», «Норин» ва «Шифокор» жамоаларининг мавқелари янада мустаҳкамланди.

• *Табиатни муҳофаза қилиш жамияти:*

ИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

29 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг пленуми бўлди.

Жамиятнинг ўтган уч йилдаги фаолиятига якун чиқарилди. 1994 йилгача мўлжалланган дастур умуман бажарилаётганлиги таъкидланди. Чунончи, қишлоқ хўжалигида заҳарли моддалар ва ўғитлардан фойдаланишни текшириш юзасидан рейд ўтказилди. Ўрмон ва боғ барпо этиш икки ойлиги катта самара берди.— Кўчат ўтказиш режалари анча ошириб бажарилди. Аҳолига экологияга доир билим бериш, одамларни Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш республика жамиятига жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир жамият аъзолари деярли 5 миллион кишига етди.

Бироқ, жамиятнинг фаолиятида камчиликлар ҳам кўп, дейишди пленум қатнашчилари. Табиат шайдолари клублари, «Табиат» дорилфунунлари, ижтимоий-техникавий комитетлар иши бўшашиб кетди. Орол ва Оролбўйи муаммоларига доир ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Бу камчиликлар кўп жиҳатдан маблағ етишмаслиги билан боғлиқ. Шу сабабли 1 июлдан бошлаб якка аъзолик бадаллари миқдорини 4 сўмга етказишга қарор қилинди. Коллектив аъзолари эса ўз имкониятларига қараб бадал тўлайдилар.

Пленумда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзА мухбири).

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Тошкент давлат Аграр университетида сайловчиларнинг Ўзбекистон халқ ноиби, университет ректори, академик Э. Т. Шайхов билан учрашуви бўлиб ўтди. У ўз фаолиятида уч нарсага— талабаларнинг маданий-маиший, иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш, сайловчиларнинг наказларини вақтида бажариш, парламент мажлисларида, сессияларда долзарб муаммоли масалаларни кўтариб чиқиш ва уларнинг ечимида фаоллик кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Халқ ноиби сайловчилар наказлари қандай бажараётганлиги ҳақида ҳам батафсил тўхталди. Шулардан бири университет ҳудуди яқинидаги темир йўл устига кўприк қурилиши режага киритилгани бўлди. Шунингдек, агробизнес кафедраси очилиб, агробизнес ва агрофермерлик мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Учрашув якунида Э. Шайхов сайловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди.

Б. РИХСИЕВ.

. ҲАР САТРДА БИР ҚУВОНЧ .

АРАВАСОЗЛАР СУЛОЛАСИ

● Беруний районида яшовчи 78 ёшли аравасоз Олломберган бува хонадонида азал-азалдан қолган ажойиб маросим бўлиб ўтди. Устанинг катта набираси Дўстмуҳаммад бобоси қўлидан касб-кор асоси — пойтешани олди.

— Менинг бобом Хива хонининг сарой арконлари юрадиган махсус аравалар ясаган, — дейди уста. — Аслини олганда бутун авлод-аждодларимиз аравасоз бўлган.

Табаррук отахонни Қорақалпоғистонда яхши билишади. У ёғи Чимбой, Қўнғирот, бу томони Тўртқўл, Элликқалъа районларидан арава ясаттириш учун унинг ҳузурига мижозлари келишади. Тўғри, бобо энди анча қариб қолган, оғир ишга ярамайди. Лекин набиралари Дўстмуҳаммад, Дилшод, Шермуҳаммад унинг қўлига куч, белига қувват бўлмоқдалар.

ХИТОЙ УСУЛИДА

● Самарқанддаги 4-шаҳар тиббиёт бирлашмасида хитойлик мутахассислар ишлай бошлади.

Улар уч йил мобайнида кимё заводи жамоаси, шунингдек, Кимёгарлар шаҳарчаси аҳолисига текин тиббий ёрдам кўрсатишади. Бу тадбир бирлашма жамоаси Хитойдаги Хочен шаҳар шифохонаси билан тузган шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда. Шартномага кўра, кимёгарлар қардош республикага минерал ўғит жўнатяптилар, Хитой томони эса дори-дармонлар юбораяпти.

ХИЗМАТ СИЗДАН, ҒАМХЎРЛИК БИЗДАН

● «Янгийўл» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасидан армияда ҳақиқий хизмат қилишга чақирилган ёш ишчилар ҳар ойда 200 сўмдан пул оладилар. Бирлашма раҳбарияти ва меҳнат жамоасининг кенгаши шундай қарор қабул қилди.

Бу пул хизмат қилаётган жангчиларнинг номига очилган ҳисоб дафтарчасига ўтказилади. Хизмат чоғида тўпланган бир неча минг сўм пул заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчиларга асқотади.

Бу маблағни жамоа фойдаси ҳисобидан ўтказишга қарор қилинган. Бирлашма мебель ишлаб чиқариш суръатларини муттасил оширяпти. Бу ерда хилма-хил мебеллар тайёрланмоқда. Мебелчилар республикада биринчи бўлиб ғўзапояни қайта ишлашни саноат негизида йўлга қўйдилар.

БОБУР ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

● Республикамизда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ бу сана келаси йили бутун дунёда нишонланади.

Андижонда юбилейга атаб шаҳарнинг «Боғишамол» даҳасида «Карвонсарой» деб аталувчи меҳмонхона мажмуи қурилмоқда. Бу ердаги иншоотлар жаҳон талаблари даражасида бўлади. Масалан, мусулмон мамлакатларидан келадиган меҳмонлар учун масжидлар ҳамда шарқона жиҳозланган хоналар, миллий таом тайёрланадиган ошхоналар қурилса, Европа ва америкаликлар учун мўлжалланган иншоотларда ўша минтақаларнинг хусусияти ҳисобга олинади.

(ЎзА).

• Ўзбекистон—Туркия:

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Туркиянинг энг катта шаҳри Истанбулда жаҳон иқтисодий анжуманининг кенгаши очилди, кенгаш 1 июлгача давом этади. Шу муносабат билан газетхонлар эътиборига Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир материални тавсия этамиз.

● Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тобора аниқ-равшан йўлга тушиб бормоқда. Иккала давлатнинг ишбилармон кишилари ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш муддаоси ҳақидаги умумий ваъдалар ва баёнотлардан амалий ишга ўтмоқдалар. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ўтган йили декабрда Туркияга қилган ташрифи вақтида бу ҳамкорликнинг равшан истиқболлари белгиланган эди. Ўша пайтда эришилган аҳдлашувлар ҳукуматлараро битимларда мустаҳкамлаб берилди, сўнгра эса Туркия Бош вазири С. Демирэл шу йил апрелда республикамизга қилган ташрифи вақтида тасдиқланди.

ТУРКИЯ иқтисодиётининг турли-туман тармоқларига мансуб тадбиркорларнинг катта-катта гуруҳлари ташриф буюриши одат тусига кирди. Шу йил бошлангандан буён Туркиядаги СНГ—ДЕИК ишбилармонлар кенгашларининг, мустақил ишбилармонлар «Мосиад» уюшмасининг, Туркия—Америка тадбиркорлари уюшмасининг делегациялари Ўзбекистонга келиб кетишди. Туркиялик йирик ва ўрта ишбилармонлар республикамизга тез-тез ташриф буюрадиган бўлиб қолишди. Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари, республика ишбилармонлари ҳам дўст мамлакатга тез-тез амалий ташриф буюрмоқдалар.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги «Интералоқа» ташқи иқтисодий бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Ш. А. Тўрахоновга учраб, Туркия билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳолати, уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ҳозир бу муносабатлар қарор топиш босқичида турибди, — дейди у. — Бир-биримизнинг имкониятларимизни, бозорларимизни, мамлакатларимиз ўзаро айирбош қилиши мумкин бўлган молларни ўрганаяпмиз. Қурилиш, мева-сабзавот хом ашёсини қайта ишлаш, банк тизими, алоқа йўлларини ривожлантириш ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорлик масалалари синчиклаб кўздан кечирилмоқда. Бу иш яқиндагина бошланганига қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ аниқ натижалар ҳақида гапирса бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги «Темса—Сабанчи» фирмаси билан бизда цемент ва сода ишлаб чиқарадиган иккита заводни қуриб битказиш ҳақида бир битимга келди. Шу заводлар негизида қўшма корхона барпо этиш мўлжалланмоқда Ҳозир қурилиш материаллари етишмай турган бир пайтда у корхоналар кўпгина муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети Туркиядаги «Акренал» фирмаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг қўриқ зонасида пахтани қайта ишлайдиган корхоналар, меҳмонхоналар барпо қилишни биргаликда олиб боришни, йўллар қуришни назарда тутади. Главташкентстрой «Турк юксель» фирмаси билан Тошкентда халқаро классдаги меҳмонхона қуриш тўғрисида келишиб олди. «Узплодоовощвинпром» концерни билан «Куцинелли элматас» фирмаси мева, сабзавот, узум, қовун-тарвузни қайта ишлайдиган қўшма корхона очишни назарда тутадилар. Мазкур қўшма корхоналар жумладан, қуюқ томат, қуюлтирилган узум ва олма шарбати, қоқ мева, мева-сабзавот консервалар ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ўзбекистон деҳқончилик банки билан Туркия зироат банки ўртасида дастлабки жамғармаси уч миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган қўшма банк очиш ҳақидаги битими республика учун катта аҳамиятга эга бўлади. Айни вақтда зироат банки тизимида бизнинг молиячиларимизга таълим бериш имконияти ҳақида гаплашиб олинди.

Бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар чоғида Туркия тадбиркорлари билан Ўзбекистон ишбилармонлари иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг батафсил дастури ишлаб чиқилди.

— Шуҳрат ака, яқин келажакда ҳам, олис истиқболда ҳам Туркия томони билан бўладиган ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида нима дея оласиз?

— Бу режалар кенг ва кўп қирралидир. Бу мамлакат билан ҳамкорлик бир қанча соҳалар бўйича — иқтисодиёт ва савдо-сотиқ, Ўзбекистон билан Туркиянинг ташқи иқтисодий алоқаларига банк орқали хизмат қилиш тизимини мувофиқлаштириш, алоқа йўллари соҳасида, шунингдек, маданият, фан, маориф, соғлиқни сақлаш ва саёҳатчилик соҳасида ривожланиб бораверади.

Туркиянинг савдо-саноат доиралари билан ҳал этишимиз лозим бўлган биринчи галдаги вазифаларнинг ҳаммасини санаб чиқиб бўлмайди, шу сабабли улардан баъзиларигагина тўхтаб ўтмоқчиман.

Ҳозир бозор иқтисодиётининг туркча андозасини ўрганадиган мўътабар мутахассислар гуруҳини тузиш мўлжалланмоқда. Туркиянинг ДЕИК ташқи иқтисодий алоқа ташкилоти билан Ўзбекистон—Туркия амалий ҳамкорлик қўмитасини барпо этиш ҳақида битим тузиш назарда тутилмоқда. Корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат қарамоғидан чиқариш бўйича қўшма комиссия тузиш, экспорт-импорт операциялари учун мол ресурсларининг рўйхатини белгилаш, қўшма майда ва ўрта корхоналарни, фермер хўжаликларига ва кооперативларни барпо этиш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари Измирдаги халқаро ёйма савдода Ўзбекистон моллари ва хизмат турларининг доимий фаол экспозициясини уюштириш мўлжалланмоқда.

Молиявий соҳада аралаш сармояли бир қанча банкларни ташкил қилиш, Тошкент, Анқара, Истанбулда банкларнинг ваколатхоналарини очиш белгиланди. Барча алоқа турлари бўйича икки томонлама битимлар бўлиши савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Умуман биз Ўзбекистон—Туркия савдо-иқтисодий муносабатларининг келажагига умид билан қараймиз.

В. ПРУГЕР,
ЎзА мухбири.

• МАФКУРА, ПАРТИЯ, ҲОКИМИЯТ

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

БУ—ЎТМИШНИ ҚЎМСАШ ЭМАС

ЁХУД ЯНА «МАСАЛАНИНГ ЎЗАГИ НИМАДА?»ЛИГИ ҲАҚИДА

● Шундай қилиб, биз «Мафкура, партия, ҳокимият» рукни остида эълон қилинган аввалги иккита суҳбатда («Ўзбекистон овози»нинг 8 май сонидаги «Масаланинг ўзаги нимада?» ва 5 июнь сонидаги «Ўзимиз ўтирган шохни кесиш шартми? Ёхуд яна «Масаланинг ўзаги нимада?»лиги ҳақида номли мақолаларда) сўз юритилган мавзуга қайтамиз.

Шуни қониқиш билан қайд этиш керакки, биринчи суҳбат каби иккинчи суҳбат юзасидан ҳам кўплаб фикр-мулоҳазалар олинди. Уларда кўтарилган масалалар асосан қўллаб-қувватланган. Чунончи, жамият маърифатли дунё ва тараққиёт сари олға ҳаракат қилишнинг энг самарали йўлларини қидиришгани бир пайтда суҳбатларда тилга олинган муаммоларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимлиги таъкидлаб ўтилган. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг олға қараб жадал ҳаракат қилиши учун ўзининг бор имкониятларини янада кўпроқ фойда берадиган даражада ишга солишга интилаётган Халқ демократик партияси ҳам бундан том маънода манфаатдордир.

Шу боис ХДП кенгашлари кўпгина раҳбарларининг ҳамда партия фаолларининг ХДП сиёсати ва жамият ҳаётининг долзарб масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган суҳбатларимиз юзасидан берган шаҳодатликлари бизда қониқиш уйғотмаслиги мумкин эмас. Уларнинг фикрича, бу суҳбатлар Халқ демократик партиясининг дастурий ғоялари ва мақсадларини янада равшанлаштириб олишга ёрдам беради, ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 30 апрель сонида эълон қилинган хатида таърифлаб берилган ҳозирги пайтнинг асосий вазифаларини чуқурроқ тушунтириб беради, янада фаол амалий ишга руҳлантиради. Аслида бизнинг мақсадимиз ҳам шу эди. Зеро, амалий ишдан ҳам муҳимроқ нарса йўқ-ку!

Бироқ мазкур суҳбатларда ифодаланган йўлимизга қўшилмаганлар ҳам борлиги маълум бўлди. Дарвоқе, биз буни олдиндан ҳис қилган эдик ва агар бошқача фикрдаги мухолифларимиз бўлса, улар билан баҳслашишга умуман тайёр ҳам эдик. Ахир, охир-оқибатда ҳақиқатни аниқлаб олиш муҳимдир ва шу боисдан ҳам баҳс-мунозара фойдали бўлиши мумкин эди. Афсуски, биз етарли далил-исботли, салмоқли қарши фикр-мулоҳазаларни олмадик.

Суҳбатларнинг асосий қондалари етарли даражада ишончли эмас, деювчи кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини қисқача ифодалайдиган бўлсак, уларнинг моҳияти қуйидагича: «Сиз келтираётган далил ва фикр-мулоҳазалардан ўтмишни қўмсаш ҳиди жудаям анқиб турибди.» Яъни, буни ХДПни бир пайтлар Компартия эгаллаган даражага кўтаришга интилиш деб тушуимоқ керак, деб англашмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири А. Жалолов билан мулоқотни давом эттиришга ва тутган йўлларимизни яна бир карра ойдинлаштириб олишга мажбур этди.

— **Абдулҳафиз Мараҳимович, биринчи суҳбатимиз бошидаёқ сизни ўқувчиларимизга қисқача бўлсада таништириб ўтиш керак бўлганлигини ҳозир ҳис қилиб турибман. Келаётган хатхабарларга қараганда, кўпгина кишилар сизни «Ўша тузум»нинг ёрқин намоёндаси, ҳозирги партияни Компартия мақомига қайтаришни орзу қилаётган собиқ партия ходими, деб тасаввур этаётган кўринишади.**

— Мени билган, айниқса, яқиндан таниган кишиларнинг бундай шубҳаланишлари эҳтимолдан ҳоли. Мени билмаган кишиларга эса масъулият билан шуни айтишим мумкинки, мен аввалги тузумнинг ёрқин ҳосиласи ва ифодаловчиси, айниқса, ҳимоячиси эмасман. Боз устига, қайта қуришгача бўлган даврда ҳам, қайта қуриш пайтида ҳам кучим ва имконим етганича ўз маърузаларим, матбуотдаги чиқишларим, илмий ишларим ва амалий фаолиятимда шу тузумнинг қусурларига қарши чиққанман. Мен мутахассислигим бўйича файласуфман. Ўқитувчилик қилганман. Илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлаганман. Кафедра мудири, институт директорининг муовини бўлдим. Яқинда «Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва жамиятни инсонпарварлаштириш муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқладим. Мени Марказий Комитетга 1986 йили, яъни қайта қуриш давом этаётган даврда оддий лектор вазифасига таклиф этишди. Аммо орадан икки йил ўтгач. У ердан мени кетказишди. И. А. Каримов ўтказаётган кадрлар сиёсати туфайли 1989 йили яна Марказий Комитетга, бу сафар лекторлар гуруҳи раҳбари бўлиб қайтдим. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилган пайтдан бошлаб унинг Марказий Кенгаши бўлим мудири бўлиб ишлаяпман.

Албатта, ўзим ҳақимда айтган бу гапларим ХДПнинг тутган ўрни ва ҳозирги пайтда унинг фаолияти шаклларига нисбатан менинг йўлимни оқлаш учун етарли асос бўлолмаслиги мумкин. Шунчаки, мени қандайдир яширин ниятни кўзлашда, ХДП ниқоби остида Компартияни қайта тиклашга уринишда айблашларини истардим. Зеро, биз олиб борган суҳбатлардан уларнинг мазмунига, муҳокама мантиқига зид бўлган бундай нотўғри хулосаларни фақат ҳозирги сиёсий вазиятни таҳлил қилолмайдиган, партияларнинг ташкил топиш тартиботи ва улар фаолиятининг мақсадларини тушуниб етмайдиган кишиларгина чиқариши мумкин. Эндиликда ўтмишга қайтиш ҳеч ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, амалда ХДПни Компартияга, бу икки партия кадрлар сиёсати билан шуғулланганлиги учунгина тенглаштириш мумкин эмас-ку! Уларнинг масалага ёндашувидаги жиддий фарқни кўра билиш керак: Компартия ҳамма нарсани тепадан туриб, тўраларча ҳал қиларди; ХДП эса, аксинча, бу ишни қуйи ташкилотларнинг бевосита иштирокида, бошқача айтганда, албатта, демократик усуллар билан бажариши лозим. Масаланинг моҳияти эна шунда!

Лекин бирорта партия (қайтараман, бирорта партия!) кадрлар масаласидан ўзини четга олмайди. Акс ҳолда партия яшашининг мазмуни ҳам қолмайди. Зотан, биз партия сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун тузилишини етарли даражада асослаб берган эдик. Ҳокимиятни қўлга киритиш эса, энг аввало, бу ҳокимиятда ғолиб чиққан партиянинг кадрлари жам бўлишини билдиради. Бу — ғалаба қозонган партияни ҳукмрон партияга айлантирадиган энг асосий шартдир. У ёки бу сиёсий партиянинг вакиллари ўзларининг кадрлар масаласига дахлдор эканликларини инкор этсалар, буни партиянинг мақсадларини тушунмаслик (бунга ишониш қийин, албатта) деб қараш керак. Ёхуд бу инкор замирида носамимийлик, бу партия ҳокимиятни қўлга киритгунча бўлган пайтда ўз режаларини яширишга, ниқоблашга бўлган интилиш ётади.

ХДПнинг кадрлар масаласини ҳал қилишга даъволари кимларгадир ёқмаслигига ишонаман. Аммо ким бўлишидан қатъи назар, унинг кўнглини оламан, деб бир пайтлар Компартия ҳам кадрлар масаласи билан шуғулланган, деган «айб» тақалишига қарамай, партия ташкилоти партия сиёсатининг мағзини ташкил этувчи ишдан чекинишга ҳаққи йўқ. Чунки чумчуқдан қўрқиб тариқ экмаслик тўғри бўлмайди.

Шунингдек, мен алоҳида таъкидлашим керакки, сиз билан биз фикр юритган муаммолар қандайдир янгилик, кашфиёт эмас. У ҳаётимизнинг ўзида бор ва табиий равишда ҳозирги пайтнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари мантиқидан келиб чиқади.

Аслида ҳам шундай: партия сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун тузилар экан, сайловларда ғолиб чиққан партия кадрлар масаласи билан шуғулланишга мажбур экан, жамиятда бир-бирига қарама-қарши кучлар ва манфаатлар мавжуд бўлиб, бунинг оқибати ўлароқ — сиёсий кураш юз бериб, пировард натижада буларнинг ҳаммасини ҳаётнинг ўзи талаб қилар экан, бу ўринда на мен ва на бошқа биров ҳеч нима қила олмаймиз. Французлар айтганидек, се ля ви — ҳаётнинг ўзи шунақа.

— **Бизнинг рукнимизда мафкура сўзи биринчи турибди. Сиз эса нуқул кейинги иккита тушунча ҳақида гапиряпсиз.**

— Биласизми, мен юзаки ёндашувларга қаршиман. Агар суҳбатларимизда «мафкура» сўзи кам ишлатилган бўлса, бу мафкура тўғрисида фикр юритилмади, дегани эмас. Аксинча, партиянинг тутган ўрнини, унинг ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларини, Халқ демократик партиясининг Дастурида ифодаланган мафкуравий қоидалар нуқтаи назаридан кадрлар билан ишлаш масалаларини тушуниб етишга интилдик. Бу ҳолатда мафкура — партиямиз ўз олдига қандай мақсадлар қўйган-у ва у ўз ниятига қандай етиши мумкинлигининг назарий асоси сифатида, яъни кенг маънода тушунилди.

— **Эҳтимол, энди тор маънодаги мафкура тўғрисида сўз юритсак бўларди. Айтингчи, мафкуравий иш керакми? Керак бўлса, сиз бугунги кунда уни қандай тасаввур қиласиз?**

— Очиқ гаплашайлик, ҳарбий-коммунистик мафкуранинг барбод бўлганлиги, бунинг оқибатида юз берган воқеаларни умуман мафкурадан воз кечиш керак, деб тушунилди. Бошқача айтганда, уни инкор этиш бошланди. Маълум бир муддатда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиб, кейин мухолифият кучлари ўз ғоялари билан уни тўлдиришга югурдилар. Шуни тан олишимиз лозимки, улар пайтдан фойдаланиб қолдилар, яъни бу даврда ХДП янги партия сифатида ўзи билан ўзи овора эди, ташкилий масалалар билан шуғулланарди. Натижада партиямиз, спортчилар тили билан айтганда, йўл бошида суръатни бой бериб қўйди. Шу боис йўқотилган вақтнинг ўрнини қоплашга тўғри келяпти. Ҳақиқий иш энди авж оляпти. Ҳозир биз интилаётган асосий нарса партиянинг барча бўғинларини ҳаракатга келтиришдан, ХДПга аъзо бўлган ҳар бир кишининг, у қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, партия обрў-эътиборини кўтариш учун ҳаракат қилишига эришишдан иборатдир.

Менимча, мафкуравий иш керакми, деган масала кўтарилмаслиги лозим. Негаки, мафкура у ёки бу одамнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар, мавжуд бўлади. Соддароқ қилиб тушунтирсак, бу — сен нима хоҳлайсан (ёки биз нимани истаймиз) ва ўз мақсадингга эришиш учун қандай ҳаракат қилмоқлигинг кераклиги тўғрисидаги масаладир. Мана шундай тушунчадаги мафкура амалда бутун инсон зотига хосдир. Негаки, инсон фикрловчи, яъни тушуниб ҳаракат қилувчи мавжудотдир. Тушуниб етишнинг тўғри ёки нотўғри бўлиши эса бошқа масала. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мафкура одамларнинг ўз манфаатларига мос тарзда атрофдаги воқелик ҳақидаги нисбатан барқарор қарашлари ва тушунчалари йиғиндисидир. ХДПга татбиқан олсак, мафкура, бу — бизнинг ҳаёт ва жамият фаолиятининг муҳим муаммолари юзасидан тутган қатъий йўлимиздир. Мафкураии чуқур англаб етишда ва унинг қоидаларини ҳар томонлама асослашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни каттадир. Фан илгаригидек бошдан-оёқ ғоявийлаштирилмаслиги керак. Бироқ мафкуранинг ўзи, албатта, қатъий илмий асосга қурилиши шарт. Шу сабабли демократия ва инсонийликни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлат ижтимоий фанларни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишга, уларга биринчи даражали аҳамият беришга мажбурдир.

— **Шубҳасиз, айтилган гаплар муҳимдир ва уларга эътироз билдириб бўлмайди. Дарҳақиқат, моҳиятини умуминсоний қадриятлар ташкил этувчи ғоявий қондаларни жиддий равишда назарий жиҳатдан мушоҳада этиш талаб қилинади. Бошқача айтганда, бунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг бевосита иштироки зарур. Аммо буларнинг ҳаммаси вақти-соати билан ҳал этилади. Бугун эса кўпгина партия фаолларининг фикрича, ХДП нинг асосий ғоявий қондаларини амалда рўёбга чиқариш учун аниқ-равшан тавсиянномалар берган фойдалироқ бўлармиди?**

— Ҳамма нарса олдиндан ўйлаб қўйилган ва бандма-банд ёзиб чиқилган пайтни пойлаб ўтириш шарт эмас. Биз буларнинг ҳаммасини кўрганмиз. Фикримча, ҳал қилувчи масалаларни аниқлаб олиш муҳимроқдир. Айтайлик, масалан, биз ўз сиёсатимизда халқнинг демократик ва миллий анъаналарига таянишимиз керак, деган гапни қандай тушунмоқ даркор? Менимча, бунинг учун ўзимизнинг тарихий илдизларимизни, ҳозирги кунимизга мақбулроқ бўладиган энг яхши нарсаларни асрлар қаъридан олиш мақсадида уларни чуқурроқ ўрганиш зарур. Яъни, биз қўлимизга нималарни илинса, ҳаммасига эмас, балки, фақат демократик ва инсонийлик тафаккури эришган нарсаларгагина суянишимиз лозим. «Ўз тараққиёт йўлимиз бор», деган тушунчага биз қўшадиган омилни англаб етиш калитларидан бири ҳам шундадир.

Бошқа томондан эса инсоний қадриятлар билан бойишга интилиш ўз қобиғимиздан ташқарига чиқишни, ўзимизни (бутун халқ билан) бутун инсон зотининг, маърифатли дунё сари бўлаётган жараёнларнинг таркибий ва ажралмас қисми сифатида тушуниб етишимизни кўзда тутади.

Шу маънода ўтмишдаги буюк мутафаккирлар фаолиятини ўрганишга нисбатан бир ёқлама ёндошишдан, андозалардан воз кечиш ниҳоятда муҳимдир. Уларни ё жуда ёқтириб, ё аксинча, ёмон кўриб баҳолашдан иборат бир ёқламаликка берилишнинг нима ҳожати бор? Айтайлик, материалистларни кўкларга кўтариб, идеалистларни ерга уриш, Навоийни улуғлаб, Биноийни камситиш, Темур ва темурийларни мақтаб, шайбонийларни оёқ ости қилишнинг кимга кераги бор? Дарвоқе, шу ўринда Гегелни эсга олган маъқул. У: менинг фалсафамда мендан олдин ўтган файласуфларникидан фарқли ўлароқ, ўтмишдаги биронта фалсафий қоидалар инкор этилган эмас, уларнинг ҳаммаси сақланган, деган эди. Бинобарин, мутафаккирнинг ўзи фалсафа тарихида ажойиб ақл эгалари, тафаккур олами қаҳрамонлари бўлганлигини таъкидлайди. У ўзидан олдин ўтган файласуфлар хизматини бутунлай инкор этган олимларни ҳайвонларга ўхшатади, чунки бу ҳайвонлар айрим товушларни эшитган, аммо ана шу товушлар уйғунлигини пайқашмаган.

Лекин, бу — яна ўтмишга ўйламай-нетмай ёндошиш керак, деган маънони билдирмайди. Бол йиғаётган асалари сингари одамийлик ва инсонийлик негизида ҳаётни қайта қуриш учун энг мақбул бўладиган энг яхши нарсаларнигина олиш даркор.

— **Менимча, сизнинг тарихий шахсларга баҳо беришга холисона ёндашиш кераклиги ҳақидаги фикрларингизни тарихнинг ўзига тўла-тўкис татбиқ этса бўлади. Тарихни, айниқса, кейинги пайтларда истаганча ўйинчоққа айлантиришяпти. Бир хил воқеалар, ҳодисалар ва мисоллар батамом ҳар хил нуқтан назардан туриб изоҳланмоқда.**

— Афсуски, шундай ҳоллар ҳам бор. Гарчи тарихга нисбатан холисона илмий ёндашув кераклигига имоним комил бўлса-да, яқин орада бунга эришилажагига ишона олмайман. Жамиятда манфаатлар уйғунлиги таъминланмас экан, турлича манфаатни кўзловчи кишилар ўртасидаги курашни келтириб чиқарувчи сабаблар пайдо бўлаверади. Тўғри таъкидлаб ўтилганидек, тарих ҳам сиёсат бўлиб, фақат у ўтмишга қаратилгандир. Бошқача сўзлар билан айтганда, қайси куч ҳозирги даврни назорат қилиб турса у ўтмишни ҳам назорат қилади. У ўтмишни назорат қилар экан, келажак ҳам уникидир. Шу боис у тарихдан ўзига керакли, фойдали нарсаларнигина олади.

— **Сизнинг-ча, бу — тўғрими?**

— Албатта, йўқ. Шундай бўлса-да, барибир биз тарихга нисбатан муайян қоидалар асосида ёндошишимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, тарихга нолиб мурожаат қилмайдилар, балки хатоларни такрорламаслик учун, шифобахш хулосалар чиқармоқ мақсадида тарихни ўрганадилар. Тарихни билар-билмас ёмонламайдилар ва мақтамайдилар, аксинча, қандай бўлса шундайлигича қабул қиладилар. Айнан бир хил воқеаларга нисбатан қарашлар қандай ўзгарганлигини эслаб кўрайлик. Аввалига 1917 йил октябригача ҳамма нарса ёмон эди, кейин эса нурли ҳаёт бошланди, дедик. Сўнгра гўё ҳеч нима бўлмагандек, тескарисини айтишга ўтдик. Маълум бўлишича, 1917 йилгача ҳаммаси яхши экан-у, шундан сўнг фақат бемаънилик билан қонли террор бошланган экан. Хўш, у ҳолда «калтафаҳм» ҳокимият қандай қилиб 70 йилдан зиёд мамлакатни бошқарди? Ёки бошқа бир савол: агар 1917 йилгача ҳаммаси яхши бўлган экан, унда нега инқилоб юз берди? Уларга ва шу каби саволларга холисона жавоб бериш учун ҳис-ҳаяжоннинг ўзи мутлақо камлик қилади. Бунинг учун ўтмиш воқеаларини илмий ва ҳақконий таҳлил қилиш, чуқур мушоҳада юритиш талаб этилади.

— **Дарвоқе, сиз билан биз жуда яқин тарихимиз воқеаларига қарашлар қандай ўзгарганлигига жонли гувоҳмиз.**

— Сиз қайта қуришни назарда тутяпсизми?

— **Албатта.**

— Ҳа, бу ҳам бизнинг ҳар томонга оғувчи онгимиз мевасидир. Аввалига ҳаммаёқда умумхалқ кўтаринкилиги бўлди, қайта қуришни маъқуллашди. Энди эса «Қайта қуришни ким ўйлаб топган ўзи? Ахир ёмон яшамаётган эдик-ку». деган дарғазаб овозлар тобора кучлироқ янграмоқда. Мен эса барибир, қайта қуриш тарихий зарурият эди, деб ўйлайман. Ҳозир биз кўриб, билиб турган салбий воқеаларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Қайта қуришни нима деб сўкмасинлар, бундан қатъи назар, қайта қуриш натижасида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиш, турмушни халқимизнинг хоҳиш-иродаси асосида тузиш имконияти туғилганлиги биз учун ниҳоятда муҳимдир. Зеро, мустақиллик ва озодлик айрим кишига ҳам, бутун бошли миллатга ҳам ривожланиш ва камол топиш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

— **Қайта қуриш бизни қудратли мафкурадан маҳрум этганлигидан афсусланмайсизми? Ҳозир уни қанчалик ёмонлашмасин, барибир, у жамиятни бирлаштириб турган ва уюштирган эди. Ҳозир эса бутунлай тескариси бўляпти.**

— Ягона тоталитар мафкура емирилганлигига мутлақо афсусланмаслик керак. У бошқа ғояларга тоқатсизлиги учун ҳам умри қисқа бўлди. Мен ўзим табиатан мафкуравий қарашлар хилма-хиллигининг тарафдориман. Зеро, буни ҳам, шубҳасиз, қайта қуриш даврида қўлга киритилган ютуқлардан бири, деб ҳисоблайман. Маънавий ҳаётимиз борган сари рангбаранг бўляпти. Бу жуда яхши. Одамлар бозорга ўзларига ёққан нарсани танлаб харид қилиш мақсадида борганлари сингари маънавий жабҳада ҳам танлаш имконияти туғилди. Аммо, жамият, табиийки, одамларнинг мафкуравий қарашларини тарбиялашдан манфаатдор бўлиши керак. Уларнинг маънавий эҳтиёжлари ошган сари мафкуравий қадриятларга нисбатан талаблар ҳам янада юксакроқ бўлаверади.

— **Ўз навбатида давлат ҳам шундай шароитларни яратиши керакки, токи фуқаролар ўзларининг ошиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондира олсинлар. Шу муносабат билан давлат бошқарувининг мафкураси, ҳокимиятнинг қай даражада тажриба ва билимга эга эканлиги, унинг тарих, шу жўмладан, ўтмишдаги ҳукмдорлар фаолияти берадиган сабоқлар билан қанчалик қуролланганлиги тўғрисидаги саволга ҳам жавоб бериш зарурати туғилади.**

— Шубҳасиз, бу ниҳоятда жиддий савол. Уни кўпинча юзаки тушунишади. Эшматовни Тошматовга алмаштириш билан хатоларни бартараф этишга шароит яратдик, деб ўйлаймиз. Аслида эса одамларни у ёки бу хатти-ҳаракатлар қилишига сабабчи бўлган омилларни таҳлил қилиш ҳаммасидан муҳимдир. Бошқариш санъати ҳамма вақт такомиллашиб бориши керак. Бу ўринда ҳам жаҳон, ҳам миллий тарихий тажриба, жумладан, айтайлик, Амир Темур мероси фойдалидир. Масалан, у одамлар билан маслаҳатлашиб туришга катта аҳамият берар, шу муносабат билан кўпинча қуйидаги фикрларни қайта-қайта такрорлар эди: мен ҳар кимнинг тилидаги гапларни эшитмасликка оламану лекин чин дилдан, самимий айтилган сўзларни қалбим билан тинглайман.

Халқимизнинг миннатдор хотирасида буюк йўлбошчиларимиз Спитамен, Абу Муслим, Муқанна, Малик Санжар, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий ва бошқаларнинг номлари абадий сақланади. Давлатни бошқариш соҳасида Улуғбек, Бобур, Шайбонийхонлар ҳам чуқур из қолдиришган. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Қозизода Румий, Алишер Навоий, Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий ва бошқаларнинг номлари маънавий ҳаётимиз тарихида ёрқин юлдузлар бўлиб порлаб туришибди. Диёримизнинг бой ва бетакрор тарихини одиллик билан, холисона ва чуқур ўрганиш шубҳасиз, ўз халқига, Ватанига ва бутун инсониятга садоқат билан ҳалол хизмат қилишни ифодаловчи яна кўплаб буюк номларни кашф этиш имконини беради.

— **Халқимиз ўзлигини чуқур англашга, тарих ва маърифатли дунёдаги ўрнини билиб олишга интилаётган ҳозирги пайтда сўзсиз миллий маънавий чашмаларга, буюк аждодларимиз ижодига мурожаат қилиш муҳимдир. Назаримда, партия шу масалаларга эътибор қилар экан, у халқ кўз ўнгида янада жозибалироқ бўлади.**

— Албатта бу ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бинобарин ҳар бир партия ўзига кўпроқ тарафдорлар ва хайриҳоҳлар бўлишидан манфаатдордир. Чунки унга ўзининг назарий ғояларини тарғиб этиш ва амалий ишлар учун анчагина куч ва маблағ керак. Кучлар қарама-қаршилиги шароитида ҳамма нарса партиянинг ғалаба қозониш учун саъйи-ҳаракатларини таъминлашга бўйсундирилиши керак. Ва бу ерда жуда кенг маънодаги ғоявий-тарғибий ишларга етакчи ўрин ажратилади. Бунинг учун партия ўз тарафдорлари — халқнинг турли-туман қатламлари орасидан тарғиботчилар ва ташвиқотчилар чиқишидан манфаатдордир. Бунга уларнинг муҳаббатини қозониш орқалигина эришиш мумкин. Бу борада ХДП Марказий Кенгашида адабиёт, фан арбоблари, иқтисодчилар, фахрийлар, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари ва бошқалар билан ўтказилган учрашувларни алоҳида таъкидлаб ўтишим мумкин. ХДП маҳаллий ташкилотлари ҳам кўплаб хилма-хил тадбирларни ўтказишяпти. Партия матбуотига катта аҳамият бериляпти. Сиз қайд этиб ўтганингиздек, ХДП раҳбарлари, партия ташкилотларининг котиблари тез-тез матбуотда чиқадиган бўлиб қолишди. Аммо, биз нопартиявий матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан яхшироқ фойдаланишимиз керак.

— **Абдулҳафиз Мараҳимович, сиз одатда ўткир масалалардан ўзингизни четга олмайсиз. Нима ўйласангиз шуни гапирасиз, одамни даражаси ва лавозимига қарамай танқид қиласиз. Лекин суҳбатларимизда сиз биронта аниқ шахсни танқид қилмадингиз. Дарвоқе, бу нарса кўплаб ўқувчиларимизнинг ҳам назаридан четда қолмабди.**

— Мен онгли равишда шундай қиляпман. Ва ҳамма вақт имкон борича диққат-эътиборни хусусий тусдаги эмас, балки асосий мақсадларга қаратишга ҳаракат қиламан. Ана шунда одамларнинг шахсий фазилатлари иккинчи ўринга ўтгандек бўлади. Агар биттаяримтани танқид қилгудек бўлсангиз, танқид гўё гап фақат айрим шахс ва унинг камчиликлари тўғрисида бораётгандек чекланиб қолади. Мен эса масалани шундай тарзда қўяманки, шу масалага дахлдор ҳар бир киши гап ўзи ҳақида ҳам кетяпти, деб ўйласин.

Қолаверса, одамларни хафа қилишнинг нима кераги бор? Буни соф ахлоқий-руҳий маънода ҳам оқлаб бўлмайди. Негаки нуқсонларни яхши гап билан бартараф этса бўлади ва аслида ҳам шундай бўлиши керак. Танқидни минг мақтаманг, барибир уни ҳеч ким яхши кўрмайди. Дарвоқе, менинг онам — гарчи ўқимаган бўлсада, аммо аждодларимизнинг бой ҳаётий тажрибасидан баҳраманд аёл, талабалик пайтимда ҳамма вақт менга насиҳат тарзида одамларни бир-бирларининг кўзига қараб танқид қилишга, бўғилгунча баҳслашишга ва сўкишга мажбур қилувчи ҳокимиятни қарғарди. Карнегининг машҳур тавсияларини эсланг. У танқиднинг фойдали эканлигини бутунлай инкор этади. Хуллас, шу ўринда ҳам сиз билан биз ўйлаб кўрадиган муаммо бор.

— **Нима ҳам дердик. ХДП гарчи ҳокимият тепасида турган ҳукмрон партия, сиёсий ташкилот эканлигига кўпчилик мутлақ ишонсада, шунга қарамай унинг олдида ҳам анчагина муаммолар бор экан. Дарвоқе, аввалги суҳбатларимизни ўқиган кишилардан бири уларни ярим ҳазил, ярим истеҳзо билан «Бойлар ҳам йиғлайди» деб атабди. Бунга нима дейсиз?**

— Бунга ҳеч ҳафа бўлиш керак эмас, деб ўйлайман. Камбағаллик туфайли йиғлаш — бу бошқа гап. Чунки инсон бунда қорни учун йиғлайди. Бойлар эса ўз ор-номуслари ва қадр-қимматлари учун йиғлайдилар. Бу — маънавий юксаклик белгисидир.

Суҳбатдош:
О. САНДОВ.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги бўлимга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади: Математика (қўшимча Физика), Физика (қўшимча Информатика), Физика (қўшимча Астрономия), Химия (қўшимча Биология), Биология (қўшимча Қишлоқ хўжалик асослари), Жуғрофия (қўшимча Биология), Чақириқгача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, Меҳнат, Ўзбек тили ва адабиёти, Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбек тили ва адабиёти (қўшимча Одобнома).

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади: Чизмачилик, Тасвирий санъат ва меҳнат, Математика, Информатика ва ҳисоблаш техникаси, Тарих, Мусиқа-педагогика, Педагогика ва Психология (мактабгача тарбия 4 йиллик), Педагогика ва бошланғич таълим методикаси (4 йиллик), Олигофренопедагогика.

Ўқиш қозоқ тилида олиб борилади: Педагогика ва бошланғич таълим методикаси (4 йиллик), Қозоқ тили ва адабиёти.

Ўқиш рус тилида олиб борилади: Рус тили ва адабиёти, Рус тили ва адабиёти (қўшимча Корейс тили ва адабиёти), Миллий (ўзбек) мактабларида рус тили ва адабиёти.

Чизмачилик, Тасвирий санъат ва меҳнат, Чақириқгача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, Мусиқа-педагогика, Қозоқ тили ва адабиёти, Рус тили ва адабиёти (қўшимча Корейс тили ва адабиёти), Педагогика ва бошланғич таълим методикаси (қозоқ), Миллий (ўзбек) мактабларда рус тили ва адабиёти мутахассисликлари бўйича ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар;

ЧИЗМАЧИЛИК, ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МЕҲНАТ: расм, рангтасвир, чизмачилик, она тили (диктант).

ЧАҚИРИҚГАЧА ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ: ҳарбий тайёргарлик (махсус дастур бўйича), жисмоний тарбия (махсус дастур бўйича), она тили (диктант).

МУСИҚА-ПЕДАГОГИКА: мусиқа назарияси, ижрочилик маҳорати, она тили ва адабиёт (иншо);

ҚОЗОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ: она тили ва адабиёт (иншо); она тили ва адабиёт (оғзаки), чет тили (оғзаки).

ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ (қозоқ): она тили ва адабиёт (иншо), она тили ва адабиёт (оғзаки), математика (ёзма);

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ҚЎШИМЧА КОРЕЙС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ): рус тили ва адабиёти (иншо), рус тили ва адабиёт (оғзаки), корейс тили ва адабиёт (оғзаки).

МИЛЛИЙ (ЎЗБЕК) МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ: рус тили (диктант), рус тили ва адабиёти (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (оғзаки):

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ҳунартехника билим юрти ҳамда ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта имтиҳон — рўйхатда биринчи кўрсатилган имтиҳонни топширадилар, ушбу имтиҳондан «5» баҳо олган абитуриентлар кейинги имтиҳонларни топширишдан озод қилинадилар. «4» ёки «3» баҳо олганлар қолган имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта махсус ўқув юртлари ва ўрта таълим асосидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган шахсларга ушбу қоидалар, кираётган мутахассисликлари эгаллаган касбларга монанд келган равишдагина тааллуқлидир.

Жумҳурият фан олимпиадаларининг ғолиблари (1—3 ўринлар), Қорақалпоғистон жумҳурияти, вилоят ва Тошкент шаҳар фан олимпиадаларида биринчи ўринни эгаллаган ғолиблар қабул чоғида, олимпиада фанига монанд келадиган имтиҳондан имтиҳон варақасига ўша фандан «5» (беш) баҳо қўйилиши орқали озод қилинадилар.

Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган «Ишончдаги ўқитувчи» тажрибасида иштирок этаётган мактаб ўқитувчиси томонидан ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага танлаган мутахассислиги бўйича қўйган баҳосини абитуриентнинг имтиҳон варақасига қўйиб берилади.

Танлов олий ўқув юртига кирувчиларнинг имтиҳонларда тўплаган баллари миқдори бўйича умумий асосда ўтказилади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлиги ҳақида ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар ҳамда олий ўқув юртларида таълим олишлари ва дарсларга қатнашишлари мумкин қабилидаги тиббиёт-меҳнат эксперт комиссияларнинг руҳсатномалари бўлган 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари эълон қилинаётган мутахассисликларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар қабул қилиш давомида «чизмачилик, тасвирий санъат ва меҳнат» мутахассислигига кирувчилар билан танлаган касбларига бўлган лаёқатларини аниқлаш бўйича «суҳбат» ўтказилади. Бунда кирувчилар шахсий иш намуналарини кўрсатишлари керак.

Миллий (ўзбек) мактабларда рус тили ва адабиёти мутахассислигига мактабларни ўзбек тилида битирганларнинг ҳужжатлари қабул қилинади.

Чақириқгача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия мутахассислигига фақат Армия сафида хизмат бурчини ўтаганларнинггина ҳужжатлари қабул қилинади.

Юқорида баён қилинган қоидалар имтиҳон топширилиши керак бўлган мутахассисликларга тегишли.

Тест синовлари натижаларига кўра институтга қабул қилиш қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўлади:

Математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, Математика (қўшимча Физика), Физика (қўшимча Информатика), Физика (қўшимча Астрономия), Химия (қўшимча Биология), Биология (қўшимча Қишлоқ хўжалик асослари), Жуғрофия (қўшимча Биология), Меҳнат, Ўзбек тили ва адабиёти, Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбек тили ва адабиёти (қўшимча Одобнома), Тарих, Педагогика ва Психология (мактабгача тарбия, 4 йиллик), Педагогика ва бошланғич таълим методикаси (4 йиллик, ўзбек, рус), Олигофренопедагогика, Рус тили ва адабиёти.

Тест синовларига кўра ўқишга кириш қоидалари «Маърифат» газетасининг 1992 йил 20 июнь сонида эълон қилинган.

Барча мутахассисликлар бўйича ўқишга кирувчилар қабул қилиш ҳақида институт ректори номига ариза берадилар. Аризага қўшиб қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббий-маълумотнома, 3×4 ўлчамли 6 дона расм, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (агар бор бўлса), Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар шу йилнинг 25 июнидан 31 июлигача қабул қилинади.

Тест синовлари 5 август 9.00 да ўтказилади.
Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.
Талабаликка қабул қилиш эса 25 августгача давом этади.

«Меҳнат» мутахассислигига қабул қилинганлар Тошкент вилоятининг Янгийўл ноҳияси Халқобод посёлкасидаги бўлинмада (аввалги Педагогика билим юрти биноси) ўқийдилар.

«Чақириқгача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» мутахассислигига қабул қилинганлар қуйидаги манзилда ўқийдилар:

Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳияси, Зебо Шамсиддинова кўчаси, 2-уй, (собиқ 2 индустриал-педагогика техникуми).

Бошқа керакли маслаҳатларни олиш учун институт қабул комиссиясига мурожаат қилиш мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700100, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй. Кундузги бўлим қабул комиссияси. Телефон: 55-37-93.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун

кундузги бўлимнинг биринчи курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул тажриба (эксперимент) сифатида талабаларни танлаш ва қабул қилиш Республика марказ томонидан ТЕСТ асосида ўтказилади:

01.01 — МАТЕМАТИКА — (ўзбек, рус).
01.04 — ФИЗИКА — (ўзбек, рус).
01.08 — КИМЁ — (ўзбек, рус).
01.09 — БИОЛОГИЯ — (ўзбек, рус).
01.08 — ЖУҒРОФИЯ — (ўзбек, рус).
02.07 — ТАРИХ — (ўзбек, рус).
02.17 — РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.
02.18 — РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МИЛЛИЙ МАКТАБЛАР УЧУН — (ўзбек).
02.19 — ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.
02.20 — ЧЕТ ТИЛЛАРИ — (ўзбек, рус).
02.11 — ҲУҚУҚШУНОСЛИК — (ўзбек).
03.07 — ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ — (ўзбек, рус).
03.08 — ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ — (ўзбек, рус).

Қавс ичида ўқиш жараёнида маълумотлар қайси тилда олиб борилиши кўрсатилган.

Қабул қилиш муддатлари:

— абитуриентларни рўйхатга олиш 25 июндан 31 июлгача.
— Тест ўтказиш 5 августда.

Талабаликка қабул синов тестлари натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссиясининг қарорига асосан ўтказилади.

Тест асосида қабул қилиш тартиби ва қоидалари ҳақидаги батафсил маълумотни оммавий ахборот воситалари орқали олиш мумкин.

II. Қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул кириш имтиҳонларини топшириш асосида ўтказилади:

01.01 — МАТЕМАТИКА (тожик).
01.02 — АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА (ўзбек, рус).
01.04 — ФИЗИКА (тожик).
02.18 — РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МИЛЛИЙ МАКТАБЛАР УЧУН (тожик).
02.19 — ТОЖИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.
20.01 — ФИЗИКА ЭЛЕКТРОНИКАСИ (ўзбек).
20.03 — МИКРОЭЛЕКТРОНИКА ВА ЯРИМЎТКАЗГИЧ АСБОБЛАРИ (ўзбек).
25.13 — АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ (ўзбек).
03.05 — МУСИҚА (ўзбек, тожик).
03.03 — ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ (ўзбек, рус).
03.07 — ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ (тожик).
03.08 — ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ (тожик).
06.02 — ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ (ўзбек).

Қабул қилиш муддатлари:

— абитуриентларни рўйхатга олиш 25 июндан 31 июлгача

— кириш имтиҳонлари 1 августдан.

Умумий тартибда ўқишга кирувчилар тегишли ихтисосликлар бўйича қуйидаги фанлардан 3 та имтиҳон топширадилар:

— МАТЕМАТИКА, АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА, ИҚТИСОД ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ — математика (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

— ФИЗИКА, ФИЗИКА ЭЛЕКТРОНИКАСИ, МИКРОЭЛЕКТРОНИКА ВА ЯРИМЎТКАЗГИЧ АСБОБЛАРИ — физика (ёзма), математика — (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

— АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ — кимё (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

— РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МИЛЛИЙ МАКТАБЛАР УЧУН — рус тили ва адабиёти (диктант ва оғзаки), она тили ва адабиёти (оғзаки).

— ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ — она тили ва адабиёти (диктант ва оғзаки), биология (оғзаки).

— ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ — она тили ва адабиёти (диктант).

— ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ — ихтисослик бўйича, биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

— МУСИҚА — ижрочилик, мусиқа назарияси, она тили ва адабиёти (диктант).

— ТОЖИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), чет тили (оғзаки).

Кириш имтиҳонларининг учаласи ҳам танловда ҳисобга олинади.

Кириш имтиҳонлари беш баллик тизим бўйича баҳоланади: «5», «4», «3», «2».

Мактабни олтин (кумуш) медали билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар қабул комиссияси белгилаган тартибга кўра битта соҳага оид (танловли) имтиҳон (юқорида кўрсатилган имтиҳонлар) жадвалидаги биринчи имтиҳонни) топширадилар.

Ушбу имтиҳонни «аъло»га топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади, агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар ўзи эгаллаган соҳа ихтисослигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

Талабаликка қабул қилиш ўқишга кирувчиларнинг кириш имтиҳонларида тўплаган балларининг жамига асосан умумий конкурс бўйича ўтказилади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда олий ўқув юртида ўқиш учун шифокор-меҳнат эксперт комиссияларининг хулоса ҳужжатига эга бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Қабул тўғрисида ректор номига аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжат (асли).
— 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
— 3×4 см. ўлчамли 6 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат кўрсатилади.

Қўшимча маълумотларни СамДУ қабул комиссиядан олишингиз мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: 703004, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Бош корпус, 15-хона. Телефон: 35-27-24.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун

кундузги бўлимининг қуйидаги мутахассисликларига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, педагогика ва психология (мактабгача тарбия), меҳнат, жўғрофия, жисмоний тарбия, кимё, биология, математика, физика, расм ва чизмачилик, чет тили, рус тили ва адабиёти.

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади. Ўқишга кирувчилар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта маълумоти ёки олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли.
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3Х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат кўрсатилади.

Қуйидаги бўлимга кирувчилар ТЕСТ асосида синовдан ўтадилар:

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, педагогика ва психология (мактабгача тарбия), меҳнат таълими, жўғрофия, химия, биология, математика, физика, рус тили ва адабиёти, чет тили.

ТЕСТ асосида бўладиган синовлар 5 август куни талабалар синови ва қабули бўйича Республика маркази ходимлари томонидан ўтказилади.

Талабалар сафига қабул Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссияси қарори бўйича ўтказилади.

Жисмоний тарбия, расм ва чизмачилик бўлимларига кирувчилар Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қабул қоидаларига асосан қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

1. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БЎЛИМИ: мутахассислик фанлари бўйича, биология — оғзаки, ўзбек тили ва адабиёти — ёзма (диктант).

2. ЧИЗМАЧИЛИК ВА РАСМ БЎЛИМИ: чизмачилик, қалам тасвир ва ранг тасвир, ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Университетга қабул қилиш кирувчиларнинг имтиҳонларда тўплаган баллари миқдори бўйича умумий конкурс натижаларига қараб ўтказилади.

ТЕСТ ўтказилмайдиган мутахассисликларда (жисмоний тарбия, чизмачилик ва расм) мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаганлар имтиҳон комиссияси белгилаган тартибга кўра битта фандан имтиҳон топширадилар. Ушбу имтиҳонни «аъло» баҳога топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади, агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўрта таълим базасидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар ўзи эгаллаган соҳа ихтисослигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 716000, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Телефонлар: 6-55-01, 6-50-82.

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАЙИНЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— **Чет тиллар кафедраси:** мудирликка — профессор ёки доцент (инглиз тили); профессорлар — 2 ўрин (инглиз тили); доцентлар — 6 ўрин (инглиз тили ва бир ўрин) (немис тили); катта ўқитувчилар — 4 ўрин (инглиз тили) ва бир ўрин (немис тили); ўқитувчилар — 2 ўрин (инглиз тили); ассистентлар — 2 ўрин (инглиз тили);

— **Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси:** мудирликка-профессор ёки доцент, профессорлар — 2 ўрин; доцентлар — 5 ўрин; катта ўқитувчиликка — 1 ўрин; ассистентликка — 1 ўрин;

— **Бозор муаммолари ва хўжалик механизми кафедраси:** мудирликка-профессор; профессорлар — 2 ўрин; доцентлар — 5 ўрин; катта ўқитувчиликка — 1 ўрин; ассистентликка — 1 ўрин;

— **Бошқарув назарияси ва замонавий менежмент кафедраси:** мудирликка-профессор; профессорликка — 1 ўрин; доцентлар — 2 ўрин;

— **Информатика ва математика кафедраси:** мудирликка-профессор; профессорликка — 1 ўрин; доцентликка 1 ўрин; катта ўқитувчилар — 2 ўрин; ассистентликка — 1 ўрин;

Танлов муддати эълон қилинган кундан эътиборан бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши керак:
Тошкент шаҳри — 137, Ипак йўли кўчаси, 54-уй, 49-хона.

ҚАРШИ АГРАР—ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

1992-1993 ўқув йили учун

кундузги бўлимнинг 1 курсига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди: бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси; гидромелиорация; қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

Институтга кирувчилар юқорида кўрсатилган барча мутахассисликлар бўйича

математика (оғзаки)

физика (оғзаки)

(конкурсли имтиҳонлар) ва Ўзбек (рус) тилидан (ёзма) «ўтди» ва «ўтмади» тарзида икки балли белгиланадиган имтиҳонлар топширадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирганлар ёки махсус ва ҳунар-техника билим юртларини аъло даражали шаҳодатнома билан битирганлар тегишли ихтисослар бўйича битта фандан — математика (оғзаки) дан кириш имтиҳони топширадилар. Ушбу имтиҳонни «аъло»га топширган абитурент бошқа имтиҳонлардан озод этилиб, олий ўқув юртига қабул қилинади, агар ушбу имтиҳондан «аъло»дан бошқа ижобий баҳо олса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларида олган баллар миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида қабул қилинадилар.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат илова қиладилар, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади. Талабалар сафига қабул қилиш 22 августгача ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 730000, Қарши шаҳри, К. Маркс кўчаси, 225-уй.

Қабул комиссияси.

ТЕЛЕФОН: 4-11-88.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси телевидениенинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Р. Дўсчоновга рафиқаси

Мунира САМАДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника университети ректорати, касаба уюшмаси ва «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедраси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тарих фанлари доктори, профессор

Қўчқор Ҳасанович ҲАСАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.
● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г—182.
№ 127.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.